

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АЧИЛОВА ДИЛНОЗА АХМАТОВНА**

**ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ  
("ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ" ФАНИ  
МИСОЛИДА)**

**05.01.01.-Мухандислик геометрияси ва компьютер графикаси. Аудио ва видео  
технологиялари. (педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
авторефератининг мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**Ачилова Дилноза Ахматовна**

Олий ўқув юртида ўқув жараёни моделилаштириш (“Чизма геометрия  
ва муҳандислик графикаси” фани мисолида) .....3

**Ачилова Дилноза Ахматовна**

Моделирование учебного процесса в ВОУ (на примере дисциплины  
“Начертательная геометрия и инженерная графика”).....27

**Achilova Dilnoza Akhmatovna**

Modelling of the educational process in the HS (on the example of the discipline  
“Descriptive geometry and engineering graphics”).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Т.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**АЧИЛОВА ДИЛНОЗА АХМАТОВНА**

**ОТМда ўқитиш жараёнини моделлаштириш (ЧИЗМА  
ГЕОМЕТРИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНИ  
МИСОЛИДА)**

**05.01.01.-Мухандислик геометрияси ва компьютер графикаси. Аудио ва видео  
технологиялари. (педагогика фанлари)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

## Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped873 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Кучкарова Диларом Файзуллаевна**  
Техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рузиев Эркин Искандарович**  
Педагогика фанлари доктори, профессор

**Назирова Ильмира Шодмоновна**  
Техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.T.07.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш 2019 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисда бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871)238-65-44).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**И.Х.Сиддиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Ж.Х. Джуманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, техника фанлари доктори, доцент

**Ф.М. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациянинг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳозирги кунда таълим соҳасида энг долзарб муаммо - сифат масаласидир. Европа университетларида сифат кафолати Болонья декларацияси энг муҳим тамойил сифатида қўлланилади. Мураккаб таълим жараёни ташқи ва ички омилларнинг таъсирига боғлиқ. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ўртасида жиддий рақобат мавжудлигини кўрсатади. Кўрсатилган хизматларнинг сифати, асосан, ушбу хизматларни кўрсатадиган ходимларнинг малакаси билан белгиланади.

Жаҳон таълим майдони бутун таълим тизимини, шу жумладан, олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб қилмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маълумотларнинг миқдори ҳозирги вақтда бир неча баравар ортди. Шу муносабат билан ўқув жараёнини ташкил этиш тизимига, жумладан, назоратнинг барча босқичларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўқитишни ташкил қилиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсатадиган бир қатор омиллар ташкил этади. Уларни ўрганиш ва тизимли назорат қилиш ОТМдаги ўқув жараёнини ташкил этишни яхшилашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасида "Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси" фани асосий фан бўлиб, кўплаб техник ОТМларнинг ўқув дастурларига киритилган. Бу фан барча муҳандислик ихтисосликларга бевосита боғлиқ ва барча муҳандислик мутахассисликлари касбий тайёргарлиги учун пойдевор бўлади. Шу билан бирга, бу фанни анъанавий равишда талабалар тушуниши қийин кечади. Муҳандислик графикаси фанини кўп йиллардан буён мунтазам равишда тушунмаслик давом этмоқда. Муҳандислик геометрияси ва график фанлар бўйича аудитория соатлари кескин камайиши, касбий тайёргарликка бўлган талабнинг ортиши ва фаолиятнинг барча соҳаларида янги ахборот технологияларини жорий этиш, ўқитишдаги бўлган вазиятни янада кескинлаштиради.

Мамлакатимизда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциялашувини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиёти истиқболлари, илғор технологияларнинг замонавий ютуқлари асосида ривожлантириш борасидаги ислохотлар олий таълим моддий-техника базасини янгиланиши, ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион таълим технологияларининг кенг жорий этилиши таъминланмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида «сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини такомиллаштириш»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланиб, бу борада бўлажак муҳандис талабалар учун «Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси» фанини ўқитишда ўқитиш жараёнида ва келажакда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги сифатини яхшилаш учун янги ёндашувларни талаб қилади. Ҳар бир ёндашув таълим жараёнига таъсир этувчи омилларни ва унинг моделлаштиришни ўрганишдир. Ушбу ёндашув таълим сифати даражасини ошириш технологиясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларни Республикада кенг миқёсда амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш тўғрисида қўшимча чоралар” ПП-3775-сонли фармони, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида»ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

### **Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.**

Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида янги технологияларни кенг жорий этиш, автоматлаштирилган дастурий таъминотни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз олимлари ОТМларда ўқитиш жараёнида компьютер технологияларини жорий этиш усулларини ишлаб чиқдилар, шунингдек, график фанларни ўқитишни такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб бордилар. Республикамизда «Чизма геометрияси ва муҳандислик графикаси» фанини ўқитишни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг назарий-методологик, услубий асослари А.Хамракулов, С.Сайдалиев, Д.Саидахмедовалар; олий таълим муассасаларида «Чизма геометрияси ва муҳандислик графикаси» фанини ўқитишда талабаларнинг ўқишга иштиёғини шакллантириш масалалари Ч.Шокирова, Н.Широкова, М.Файзиев, Т.Рихсибоев, У.Насритдинова, Н.Ёдгоров, ва бошқаларнинг илмий-тадқиқот ишларида тадқиқ этилган.

Э.И.Рўзиев илмий-тадқиқот ишида ОТМда интегратив курс сифатида компьютер графикаси ўрганилиши назарий ва амалий нуқтаи назаридан асосланган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида «Чизма геометрияси ва муҳандислик графикаси» фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш ва ўқитишнинг методик тизимини лойиҳалаш бўйича Н.А.Селезнева «Олий таълим сифати, тизимли изланиш объекти кўринишида», А.И.Субетто «ОТМда таълим сифатини бошқариш», В.И.Звонников «Таълим тизимида педагогик ўлачамлар», И.А.Зимняя «Педагогик психология», В.Г.Казанович, «Таълим тизими баҳолаш объекти сифатида (квалиметрик ёндашув)», Г.П.Савельева «Муҳандис-техник ОТМларда назоратини ташкиллаштириш ҳамда талабаларни ўқитиш фаолиятини тузатиш» ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Хориж давлатларида «Чизма геометрияси ва муҳандислик графикаси» фани ўқув мазмунини лойиҳалаш, ўқитишни амалга оширишнинг инновацион технологиясини ишлаб чиқиш муаммолари J.Rash, D.Perenia, L.T.Erig, таълим сифатини Shimizu Yoshinori, Schuetze Christopher, Garry Azgaldov, Alvaro Padilla Omiste ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтидаги илмий-тадқиқот ишлари режасининг (24.01.2013 й, №1; 6.03.2014 й, №6) “Техник ОТМда ўқитиш жараёнини моделлаштириш (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанлари асосида)”; (26.03.2015 й, №6) “Муҳандислик графикаси фанидан масалалар ечиш методикаси (муҳандислик лойиҳалаш масалалари асосида)”; (19.02.2016 й, №5) “Муҳандислик моделлаштириш масалаларини ечиш методикаси (муҳандислик масалаларни лойиҳалаш мисолида) ва компьютер технологиялари ёрдамида чизма геометрия фанини ўқитиш методикаси”; (22.02.2018 й, №7) “Техник ОТМда ўқитиш жараёнини моделлаштириш (чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанлари асосида)” мавзулари асосида бажарилган.

**Диссертация тадқиқотининг мақсади** олий ўқув юртида ўқув жараёнини самарадорлигини ошириш учун узлуксиз назорат технологияси асосида маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш моделини ишлаб чиқишдан иборат (“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фани мисолида).

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

психологик ва педагогик ўлчовлар ҳамда дисперсион таҳлилдан фойдаланган ҳолда ўқитиш муваффақиятига таъсир этувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш;

талабанинг билимлар шаклланганлиги ва шахсий хусусиятлари асосида динамик квалитетрик баҳосини аниқлаш;

ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий босқичларини талабаларнинг билимлари даражаси ва тузилиши берилган масалалар орқали узлуксиз назорат қилиш моделини таҳлил қилиш;

модел ва назорат босқичларини таҳлил қилиш асосида ўқув жараёнини ташкил этишни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ўрганиш. Модел асосида “Чизма геометрия ва муҳандислик графикасини” ўқитиш тизимининг услубий самарадорлигини экспериментал текширувини ранг корреляцияси усулини ривожлантириш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Техник ОТМда муҳандислик компетенциясини шакллантиришга қаратилган малакали муҳандис-мутахассис тайёрлаш тизими.

**Тадқиқотнинг предмети.** Бўлажак муҳандис-мутахассисларнинг геометро-график ўқитишнинг мазмуни ва технологиясининг “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитиш жараёни.

**Тадқиқотнинг усуллари:**

Қуйидаги услублар қўлланилган: ушбу мавзуга тегишли психологик ва илмий-педагогик адабиётларни, Давлат таълим стандартларни, ўқув режалар, ҳамда дастурларни ўрганиб танқидий таҳлил қилиш;

психологик ва педагогик ўлчовлар, ижтимоий-педагогик (тестлар, анкета сўровномалари, кузатувлар) ва экспериментал ишларни бажариш;

ўқитиш жараёнини ташкил этиш тизимига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун Делфи эксперт баҳолаш услуби;

ўқув жараёнини ташкил этишнинг имитацион моделини ишлаб чиқиш жараёнида, ҳамда талабаларнинг таълим сифатини мониторинг қилиш услубларини ишлаб чиқишда математик статистика усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат,

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитиш муваффақиятлигига салбий ва ижобий омилларнинг таъсирини дисперсион таҳлил қилиш модели ишлаб чиқилган;

талабаларнинг билимларини шаклланишини доимий назорат қилиш услуби ва шахсий хусусиятлари асосида динамик квалитетрик баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

ўқув жараёнининг сифатини бошқариш учун талабаларнинг билимлари даражаси ва тузилишини узлуксиз назорат қилиш имконини берувчи имитацион модел ишлаб чиқилган;

ранг корреляцияси ва дисперсион таҳлил, классик статистик ўлчов усуллари асосида талабаларнинг билим ва кўникмаларини узлуксиз назорат



қилиш технологияси ва модели асосида ўқув жараёнининг самарадорлиги оширилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуманлар материаллар тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса ва таклифларнинг амалий тадбиқ қилиниши ҳамда математик статистика услуги натижалари солиштириш асосида аниқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот илмий аҳамияти ҳар бир талабанинг квалиметрик баҳосини чиқариш учун билим даражаси ва таркибини аниқловчи масалалар тизимини ишлаб чиқиш, ўқитишнинг муваффақиятига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларнинг ўзаро боғлиқлигини инобатга олган ҳолда тавсияларда, узлуксиз назорат натижалари асосида ўқитиш жараёнини бошқариш имконини берадиган аналитик боғлиқликларни ривожлантириш билан изоҳланади.

Тадқиқот амалий аҳамияти ўқитишнинг сифатини ошириш мақсадида ўқитиш жараёнини бошқариш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида берилган тавсиялар қўлланилиши имкони билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий ўқув юртида ўқув жараёнини моделлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш модели натижаси асосида:

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитиш муваффақиятлигига салбий ва ижобий омилларнинг таъсирини дисперсион таҳлил қилиш модели ҳамда талабаларнинг билимларини шаклланишини доимий назорат қилиш услуги ва динамик квалиметрик баҳолаш усули Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 89-03-3931-сон маълумотномаси). Натижада график фанларни ўқитишни, бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлаш маданиятини ошириш имкониятларини яратган;

график фанлардан талабаларда маълумотлар шаклланишини уларга бериладиган масалалар қийинлиги ва мураккаблиги даражаси, ўқув жараённинг сифатини бошқариш учун талабаларнинг билимлари даражаси ва тузилишини узлуксиз назорат қилиш имконини берувчи имитацион модель Наманган муҳандислик-қурилиш институтида жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 89-03-3931-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак мутахассислар компетенциясини, малакасини ва интеллектуал қобилиятларини ривожланиш имконини берган;

ўқув жараённинг сифатини бошқариш учун талабаларнинг билимлари даражаси ва тузилишини узлуксиз назорат қилиш имконини берувчи имитацион модель ҳамда талабаларнинг билим ва кўникмаларини узлуксиз назорат қилиш технологияси ва модели Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳридаги Евразия миллий университети ҳамда Тошкент ирригация

ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида жорий қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 15 ноябрдаги 89-03-3931-сон мълумотномаси). Натижада ўқув жараёнини самарадорлиги, талабаларнинг профессионал маҳорати, умуммуҳандислик маданияти ва ўзлаштириш сифатини оширишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий мақолалар, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, улардан 8 та республика ва 5та хорижий журналларда чоп этилган. Шу жумладан иккита мақола чоп этилган журналлар халқаро Scopus базасига киритилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация ҳажми 126 бетни ташкил этган, кириш, учта боб, хулосалар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалга жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**ОТМларда ўқув жараёнининг ташкиллаштириш ҳолати**» деб номланган биринчи бобида ОТМ битирувчилари таълим даражаси таҳлили кўриб чиқилган, бу эса ўз ўрнида юқори малакали кадрларни тайерлашда имкониятларни аниқлаштиради ва республика илмий, маданий ва ишлаб чиқариш потенциалига катта таъсир кўрсатади. Хозирги кунда жамият ривожланиши юқори малакали мутахассисларни ўқитиш жараёнига ҳар ҳил инновацион технологияларни ва ёндашувларни киритишни талаб қилади. ОТМдаги ўқитиш жараёнининг таҳлили шуни кўрсатдики бу жараён ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёни билан жуда кўп умумий жиҳатлари бор, аммо фарқлари ҳам кам эмас.

Бу муаммо Соловьев В.П., Тишин Е.Ю., Плотников Е.В. каби олимлар ишларида ОТМ фаолияти катта ишлаб чиқариш корхона фаолияти билан таққослаш таклифи келтирилган: “ОТМ фаолияти саноат корхоналаридан сезиларли даражада фарқ қилади, чунки унинг объекти инсондир”. Н.А.Селезнева ишларида олий таълим ўқув жараёнининг сифат даражасига комплекс ва тизимли баҳолаш нуқтаи назаридан ёндашув кўриб чиқилди. Марказий режалаштириш муҳитида ўқув жараёнини ташкил қилиш

муаммоларига Комаров В.Е., Чупрунова Д.И. ва бошқаларнинг ишлари бағишланган.


ОТМдаги ўқув жараёнини ташкил қилиш қуйидаги норматив хужжатларга асосланади: ягона давлат стандарти асосида иш дастурлари ишлаб чиқилади, ўқув режаси, ўқув жараёни жадвали, курс жадвали. ОТМ меъерий хужжатлари ўқув йили давомида ўқувчиларнинг илмий ишларини назорат қилишнинг ўзаро боғлиқ шакллари ташкил этади. Аттестация барча курсларда ҳамма фанлардан семестр мобайнида икки марта ўтказилади – иккита жорий назорат, иккита оралиқ назорат ва якуний назорат семестр якунида.

Ўқув жараёнини бошқариш турини юқори турган ташкилот белгилайди ва ўқув жараёнида индивидуал қатнашчиларнинг хохишига боғлиқ эмас.

Икки асрдан зиёд вақт мобайнида чизма геометрия техник таълимнинг асоси бўлиб келмоқда. Муҳандислик грамматикаси сифатида ҳар қандай муҳандисни тайерлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси техник олий юртининг мураккаб объектларидан бири ва талабалар учун тушуниш қийин бўлган фан. Замонавий олий мактабларда график саводхонлик асослари чизма геометрия дарсларида белгиланади. График фанлари таркибини ислоҳ қилиш бўйича замонавий тадқиқотлар вазиятга сезиларли таъсир кўрсатмади.

Хозирги кунда муҳандислик-график таълимни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари билан бир қаторда, график фанларни ўқитиш технологиясини қайта кўриб чиқиш муаммоси ҳам мавжуд.

Мутахассиснинг сифати қуйидагича аниқланади (Расм 1):



Расм 1. Мутахассис сифати аниқланиши

Кўп ўлчовли ва кўп функционал ходиса бўлмиш сифат тушунчаси фаолият натижалари (жараёни) жараёнларни, ўз сифатини ва тизимнинг сифати ёки фаолиятни ташкил қилиш сифати каби таркибий қисмларни ўз ичига олади. Таълим сифатининг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

таълим мазмунининг сифати, абитуриентлар ва талабалар сифати, ўқув жараёнини методик ва моддий-техник жихатдан қўллаб қувватлаш сифати, профессор-ўқитувчиларнинг сифати, назорат тест олиш ва талабаларнинг билим ва кўникмаларини текшириш технологияларнинг сифати ва ОТМ умумий бошқариш сифати.

Олий мактабнинг квалитетига мувофиқ квалитатив технологиялар пайдо бўлди, бу таълим сифатини ва сифат кўрсаткичларига мос равишда ишлаб чиқилган таълим технологиялари ва тизимлари мажмуи деб тушунилади.

Бир қатор сифат кўрсаткичларни танлаш ва тузиш мезонлари қуйидагича бўлиши керак: мамлакат педагогик жамоатчилиги томонидан қабул қилинган таълим сифати етарли даражада талқин қилиш, репрезентатив, етарли тўлиқликка эга, ўлчовларнинг миқдорий ёки сифат даражалари бўйича таҳлил берувчи, фойдаланувчилар тан олган ва бошқарувнинг турли даражаларида фойдали, талаб қилинадиган бошқарув соҳасидаги таълим фаолияти тўғрисида маълумот тўплаш учун маъқул, башоратли қобилиятга эга бўлган ва бир неча йил давомида муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотга мўлжалланган, ишончли, оддий ва иқтисодий жихатдан самарали.

Бу тадқиқотда турли омиллар таъсирида таълим жараёнининг сифати ушбу жараённинг квалитетик баҳолалиши каби кўрсаткичлар кўриб чиқилган. Мақсадга эришиш учун моделлаштириш каби услубни қўллаш, яъни ўрганилаётган жараённинг самарали фаолиятини миқдорий таъриф (кўрсаткич) параметрларни топиш, уларнинг элементлари ўртасидаги муносабатларни миқдорий баҳолашни аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги вақтда ОТМ битирувчисининг профессионал тайёргарлигини баҳолашда асосий эътибор ностандарт бўлган ишларни амалга ошириш ва ноаниқлик шароитида қийин вазиятни бартараф этиш учун билим, кўникма ва қобилиятларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш қобилиятига ўтказилади. “Ўқув жараённинг сифати” – “ОТМ битирувчиси сифат модели” билан белгиланган бўлиб унинг “потенциал сифати” аниқланади. Таълим сифатини оширишнинг эндашувларидан бири ўқув жараёнини моделлаштиришдир.

**Диссертациянинг иккинчи бобида** “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини ўқитиш жараёни моделининг парадигмаси” ўқитишнинг муваффақиятлилига ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган омилларнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро муносабати кўриб чиқилди.

*Ижобий омиллар қуйидагилардан иборат:*

маъруза ва амалий машғулотларда инновацион компьютер технологияларни қўллаш, ўқитувчининг профессионал тажрибаси ва малакаси, талабаларнинг график маълумотларни идрок этиш қобилияти, талабаларнинг ўқишга бўлган умумий тайёргарлиги, мотивация, интеллектуал катъийлик.

*Салбий омилларга қуйидагилар киради:*

заиф мотивация, ОТМда ўқишга сушт тайергарлик, график маълумотни идроқ этишга қодир эмаслиги, яшаш шароитлари ёмонлиги, ота-она назорати йўқлиги, ўқитувчи билан кескин муносабати, гуруҳда ёмон рухий ҳолат, дарсларга қатнашмаслик.

Ҳар бир омилнинг “қийматини” аниқлаш учун эксперт баҳолаш усуллари билан бири бўлмиш Дельфи усули қўлланилди.

Ҳар бир омил учун математик кутиш ҳисобланди. Ижобий омилларни статистик ишлови шуни кўрсатдики энг катта “қийматга” “мотивация” омили (71,2%) ва “ўқитувчининг касбий тажрибаси ва маҳорати” омили (63,6%). Қолган “талабаларнинг график маълумотларни қабул қилиш қобилияти” (48,5%), “талабаларнинг ўқишга бўлган умумий тайергарлиги” (48,6%), “интеллектуал қатъийлик” (46,6%) каби омиллар қиймати тахминан қийматлари яқин.

“Маърузада ва амалий машғулотда ахборот технологияларни қўллаш” омили эса (41,8%) қолган омилларга кўра энг кичик қийматга эга экан.

Салбий омилларни таҳлили шуни кўрсатдики энг катта “қийматга” “сушт мотивация” (70,9%), “ОТМда ўқишга етарлича тайергарликка эга бўлмаслик” (60,2%), “ёмон турмуш шароити” (58,8%) каби омиллар киради. “график маълумотларни қабул қилиш қобилиятига эга эмаслик” (37,6%), “ўқитувчи билан ёмон муносабат” (48,2%), “гуруҳда салбий ҳолат” (32,3%) омиллари қийматлари нисбатан яқин. “дарсларни қолдириш” омили эса қолганларга қараганда энг кичкина қийматга эга (22,9%).

Дисперсион таҳлил ёрдамида ҳар ҳил омиллар ўртасида алоқалар аниқланди. Бир факторли дисперсион таҳлил Фишер кўрсатмаси ифодаси асосида аниқланди, ўқитишнинг натижавийлигига айниқса мотивация катта таъсир кўрсатади.

Дисперсион таҳлил қўлланилиши шуни кўрсатади: барча ижобий омилларнинг бир вақтда таъсири талабаларнинг билимларини кучайишига, ҳамда талабаларнинг билим, кўникма ва маҳоратларининг сифатини оширилишига олиб келади. Шунга ўхшаб барча салбий омилларнинг бир вақтда таъсири талабаларнинг билим ва кўникмаларининг сусайишига олиб келади.

Муаллиф учун барча ижобий ва салбий омилларнинг бир вақтда ўзаро таъсири айниқса қизиқтириш уйғотди.

“ОТМда ўқишга тайергарлиги сушт” ва “график маълумотни қабул қилолмаслик” омиллари “ўқитувчи касбий тажрибаси ва маҳорати” омили билан боғлиқлиги билим сифатини қониқарли натижасига олиб келмади.

“Ёмон турмуш шароити” ва “дарсларни қолдириш” омиллари “кучли мотивация” омили билан биргаликда, хатто “интеллектуал қатъилик” омили билан биргаликда қониқарсиз натижа берди. “ота-оналар томонидан назорат” омили “кучли мотивация” омили билан биргаликда охириги натижага ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Бу билан биргаликда талабалар билимининг даражаси ва структураси каби компонентлар ҳам кўриб чиқилди.

Талабаларнинг ўрганиш даражаси ва тузилишининг квалиметрик мониторинги маълум иерархияга асосланиши мумкин: -минимум даражаси, яъни фаннинг асосларини тушуниш учун керак бўлган бошланғич билимларнинг шаклланилгани; - намунавий базавий дастурий билимларнинг даражаси; - дастурий билимлар даражаси; - дастурдан ташқари бўлган билимлар.

Билим ва кўникмалар даражаси талабаларнинг шахсий харакати ва қобилиятларига боғлиқ, билимлар структураси эса ўқув жараёнини қандай ташкиллантиришига боғлиқ.

Муҳандислик графикаси фан сифатида хусусияти шундаки, бу ерда график тасаввур, фазовий тасаввур ва фикрлаш зарурати билан белгиланади. Фазовий тасаввур ва фикрлаш талабанинг умумий тайергарлиги билан боғлиқ эмас, у туғма ёки хаёт давомида шаклланади.

Ушбу хусусият талаба билимини даражаси ва тузилишини баҳолашда берилган масалаларни қийинлик ва мураккаблик даражасини инобатга олиб баҳолашни талаб қилади. Қийинлик масала ечишда операциялар сонига боғлиқ бўлса, мураккаблик эса шу масалани ечиш учун қанча вақт сарфланганига боғлиқдир.

Муҳандислик графикаси фани вазифаларни мураккаблик бўйича талаб даражасида қараб 4та шартли гуруҳга ажратилади:

1 даража – бир концептни қўллаган холда битта вариантни танлаш, бу ерда атамалар ва қоидаларни билиш талаб қилинади.

2 даража – одатий ҳолатларда олинган билимларни қўллаш, нусхаларни кўпайтириш, бир неча концептлар ёрдамида конъюнктив ва дизъюнктив сўзлар билан боғлиқ фикрлаш.

3 даража – одатда мураккаб вазиятларда қўлга киритилган билим ва кўникмаларни бир нечта тушунчалар ва уларнинг комбинацияларидан фойдаланишни талаб қиладиган дастур. Фикрлаш ассоциатив, таснифлар ва натижа-баёнотлар билан боғлиқ.


4 даража – талабалар олдида номаълум бўлган ноанъанавий шароитларда концептлар комбинациясини талаб қилувчи билимдон ва индуктив мулоҳазаларни хулосалар ва ўхшашликларни талаб қиладиган билим ва кўникмаларни қўллаш.

Масалнинг биринчи даражасига 1 баҳо тайинланади, иккинчисига – 2, учинчисига – 3 ва тўртинчисига – 4.

Баҳоларнинг кўпайтмаси  $1*2*3*4=24$  “идеал” талабанинг билимлар даражасининг максимал кўрсаткичини кўрсатади.


$X_1$  биринчи даражали талабанинг билимлардаги камчиликлар сонини ҳар бир билимдаги бўшлиқ 0,1га тенг.

2-расмда биринчи даражали вазифа берилган уни ечиш учун зарур бўлган кўринишлар ҳақида билим, яъни битта концепт.




2-расм. I даражали вазифа мисоли.

Иккинчи даражали талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар сонини  $X_2$  билан белгиланади. Мисол учун 3-расмда 2-даражали топшириқни бажариш учун ҳар ҳил чизиқларни бирлаштириш қоидалари, айланани бўлакларга бўлиш, ўлчамларни киритиш билимлари керак. Хато қилинса талаба 2-даражали вазифа учун ( $2-X_2$ ) баҳосини олади.




3-расм. II даражали вазифа мисоли

$X_3$  билан учинчи даражали вазифада талабаларнинг билимларидаги бўшлиқ белгиланади. Мисол учун 4-расмда кўринишларни жойлашуви қоидалари, объектнинг сояли қисмини проекцияларнинг фронтал текислигига параллел равишда айлантириш, кўпекликларни ва эгри жисмларни кўрсатиш, объектни ҳаракатга келтирувчи фикрий операциялар. 3-даражали талаба хато қилган ҳолатларда ( $3-X_3$ ) баҳосини олади.



4-расм. III даражали вазифа мисоли

Мисол учун 5-расмда 4-даражали топшириқ турларнинг ва бўлинмаларнинг ярмини фикрий конъюнкция ва дизъюнкция операциялари тўғри бир бирига боғлаш учун проекцион чизмачилик бутун курсини билишни талаб қилади.



5-расм. IV даражали вазифа мисоли

Олдинги ҳолатларга ўхшаб талаба 4-даражали вазифа учун (4- $X_4$ ) баҳосини олади.

### Мультипликатив функцияси

$$F=(1-X_1)*(2-X_2)*(3-X_3)*(4-X_4)<24$$

маълум бир талабанинг билим даражаси ва структураси хақидаги якуний баҳосини чиқаради. Бу баҳо ўқиш даврида ўзгариб туради ва талабаларнинг квалитетик баҳосини динамик таркибий қисми ҳисобланади.



Иккинчи бобида шунингдек талабаларнинг квалиметрик баҳолаш таклиф қилинди - бу хусусиятлар дарахти (6-расм).



6-расм Хусусиятлар дарахти (талабанинг квалиметрик баҳоси)

Якуний баҳолаш билан боғлиқ бошқа турли хил хусусиятлардан 10та хусусият танланди. Хар бир хусусиятга рақамли қиймат берилади. Ушбу ёндашув билан баъзи академик гуруҳ Парето-оптимал кўплик бўлиб хар бир аъзоси бир хусусиятда яхшироқ, бошқа хусусияти эса емонроқдир. Хамма хусусиятларни бир шкалага проекциялаш ва бир сон билан белгилаш таклиф қилинган. Кейинги босқичда “идеал” талаба шакллантирилади, бунинг учун барча 10 хоссалари 1 қийматини олади ва хоссаларнинг йиғиндиси 10га тенг бўлади.

Хар бир аниқ талаба учун “идеал” талабагача Евклид масофаси ҳисобланади.

$$r_i = \pm \left[ \left( 10 - \sum_{i=1}^{10} r_i \right)^2 \right]^{\frac{1}{2}}$$

ва у квалиметрик баҳосини аниқлайди. Бундай холда баҳолаш маълум вақт ичида талабанинг хусусиятларини кўрсатиб туради ва статик ҳисобланади.

Хусусиятлар инвариант эмас ва вақт ўтиши билан ўзгаради, шунда  $r_i$  баҳолаш динамик бўлиб талабанинг таълим траекториясини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчи боб «Ишлаб чиқилган ўқув жараёни модели асосида график фанларни ўқитиш сифатини бошқариш» талабаларнинг ўқиш муваффақиятлиги кўрсаткичларни аниқлашга қаратилган.

Хозирги кунда таълим сифатини оширишнинг динамик моделлари кенг тарқалган, унинг сифати таҳлил тизимининг такомиллаштирилиши ва жамиятнинг янги талабаларини акс эттириши ҳисобига таълим жараёнлари ва натижаларига ижобий ўзгаришлар талқин этилади.

Динамик моделини татбиқ этиш учун ўқув жараёнининг барча босқичларида талабаларнинг когнитив ижодий фаолияти ва бошқа ўқув ютуқлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва уларни ўқитиш даврида дескриптив статистика ердамида таҳлил қилиш керак. Шундай қилиб динамик ёндашувда таълим ютуқлари сифатини баҳолаш билим ва кўникмаларни такомиллаштириш ёки малакасини шакллантириш деб таърифланган талабаларни тайерлашдаги бу ўзгаришларни аниқлашга асосланган.

Таълим сифатини бошқаришнинг асосий йўналиши – намунали ўқув режалари ва дастурлари билан тартибга солинган Давлат стандартлари. Бу ерда график фанларни ўқитишда талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари талаблари шакллантирилган.

Битта таълим муассасаси даражасига келсак, шакллантирувчи ва яқуний баҳолаш ҳақида гапириш мумкин. Биринчи мақсад ўқув жараёнининг кириш ва жорий маълумотларни, шу жумладан, ўқув жараёнининг режалаштирилган хусусиятларга мувофиқлиги тўғрисида маълумотни баҳолаш ва таҳлил қилишдан иборат.

Ўқув жараёнининг сонли белгиланишнинг ёндашувларидан бири талабаларнинг билим ва кўникмаларини доимий назорат қилишдир. Мавжуд бўлган текшириш шакллари – ёзма иш, оғзаки суров, компьютер тести ва реферат тақдими – асосан ОТМнинг ўқув-услубий бўлимининг режаларига мувофиқ қўлланилади. Шу билан бирга юқорида келтирилган барча шакллар изчил ва маълум тартибда қўлланилганда доимий назорат ўтказиш зарурати муқаррар бўлди.

Таълим сифатини бошқариш бўйича натижалардан фойдаланишга комплекс ёндашувини амалга ошириш ўлчов маълумотларнинг динамик, қиёсий, дифференциал ва прогностик таҳлилни ўз ичига олиши ва ахборот базасининг хусусиятларига оид талаблар, ўлчов омилларини ҳисоблаш, ўлчов маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва шарҳлаш талаблари билан тартибга солиниши керак.

Ушбу талабларга ўлчов натижаларини қўллаш, таълим сифатини баҳолашда динамик ёндашувни кенг қўллаш, ўқув натижаларининг сифатига таъсир этувчи барча омилларни ҳисобга олиш ва таълим сифатини баҳолашнинг таққосланиши таъминлаш киради.

“Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўргатишда ўқув жараёнини бошқариш схематик кўриниши 7-расмда келтирилган.

## УЗЛУКСИЗ НАЗОРАТ КОНЦЕПЦИЯСИ



7-расм. Узлуксиз назорат технологияси

Узлуксиз назорат концепцияси ТИҚХММИ “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” кафедрасида 12 йил давомида олиб борилди.

Семестр давомида талабалар доимий назоратдан ўтдилар – ёзма ишлар топшириш, оғзаки савол-жавобдан ўтиш, масала ечиш, реферат тақдимоти ва компьютерда тест синовлардан ўтиш. Хар бир синов баҳоланиши бўйича талабанинг рейтингни аниқланди.

Бир қизиқ факт қайд қилинди – назорат туридан қатъий назар талабаларнинг баҳолар тақсимоти доимо оддий қонунга бўйсунди.

Анкета-сўров талабаларни учта шартли гуруҳга бўлишга имкон берди: I- тайергарлиги яхши ва кучли мотивацияли талабалар; II- тайергарлиги

ўртача ва ўртача мотивацияли талабалар; III- тайергарлиги сусти ва мотивацияси заиф талабалар.

Муайян академик гуруҳ мисолида турли хил назорат натижалари ўртасида корреляция кўрсатилган, бу ерда Спирменнинг ранг корреляцияси усули қўлланилди.

Ҳисоблаш натижаларига кўра талабаларда назоратнинг ҳар хил турларида атиги 20 фоизда баҳоланишнинг тўғридан тўғри корреляцион ва чизикли алоқа аниқланди. Қолганларида чизикли алоқа аниқланмади ва 15 фоиз талабаларда тескари корреляция кузатилди. Шунингдек учинчи бобда педагогик тажриба натижалари кўриб чиқилган.

Таклиф этилган усулнинг СХМ 1-6 гуруҳида қўлланилиши (1 жадвалда) мисол қилиб кўрсатилган.

1- жадвал.

Таклиф этилаётган узлуксиз назорат технологиясининг қўлланилиши

Хафта-лар номи	Бажарилган ишлар	Қўлланилган дастурлар	Натижа ва кўрсаткичлар
<b>I</b>	Гуруҳнинг мотивация ва муҳандислик графикасини ўрганишга тайергарлик даражаси бўйича кичик гуруҳларга ажратиш мақсадида анкета-сўровнома ўтказиш.	«SPSS Statistics Data Editor»	Гуруҳнинг 24 нафар талабалардан: 1 кичик гуруҳда – 4; 2чи кичик гуруҳда – 10; 3чи кичик гуруҳда – 10.
<b>II III IV</b>	Янги ўқув фанини талабалар томонидан ўрганиш даражасини мониторинг қилиш.	Мониторинг қилиш	Мониторинг қилиш
<b>V</b>	Назоратнинг I босқичи – ёзма ишларни баҳолаш. Оралик назорат №1. Салбий ва ижобий омилларнинг ўзаро таъсирларини аниқлаш. Талабаларнинг 1 нчи ой учун кваллиметрик баҳосини аниқлаш.	Microsoft Excel Дисперсион таҳлил	Устун келган омиллар аниқланди: Ўқитувчининг тажрибаси ва маҳорати”, “мотивация”, “ОТМда ўқишга сусти тайергарлиги”
<b>VI</b>	Билимларда бўшлиқни аниқлаш учун оғзаки сўров ўтказиш. Иккинчи назорат, яъни ёзма иш ва оғзаки савол-жавоб, орасида ранг корреляциясини аниқлаш. Ўқитиш жараёнини бошқаришда ўқитувчи томонидан ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш.	«SPSS Statistics Data Editor»	Ўқитувчи маҳорати ҳамда ОТМда ўқишга тайергарлиги баланд ва кучли мотивацияли кичик гуруҳ устун келишлари аниқланди
<b>VII</b>	Компьютерда тест синовларни ўтказиш. Уч хил назорат орасида ранг корреляциясини аниқлаш. Айти пайтда талабаларнинг билим даражаси ва мотивациясини аниқлаш учун такроран анкета-сўров ўтказиш.	«SPSS Statistics Data Editor»	Мотивация даражаси бўйича кичик гуруҳларнинг ўзгариши кузатилди 1 нчи кичик гуруҳда – 4; 2 нчи кичик гуруҳда – 14; 3 нчи кичик гуруҳда – 6 нафар талаба.

<b>VIII</b>	Рефератлар тақдимотини баҳолаш. Тўртта назорат турлари орасида ранг корреляциясини аниқлаш. Талабаларнинг 2 нчи ой учун квалиметрик баҳосини аниқлаш.	«SPSS Statistics Data Editor»	Барча назорат турлари бўйича академик гуруҳнинг интеграл баҳоланиши. Оралиқ назорат №1 бўйича натижалар.
<b>IX X XI XII</b>	Иқтидорли ҳамда ўзлаштирмаган талабалар билан ишлаш. 3 нчи ва 4 нчи ой учун талабаларнинг квалиметрик баҳосини аниқлаш. Ўқув жараёнини бошқариш тўғрисида ўқитувчи томонидан ҳаракат стратегиясини қайта кўриб чиқилиши.	Дельфи усули	Биринчи ва иккинчи кичик гуруҳларда талабаларнинг мотивацияси кучайиши кузатилди. Иқтидорли ва ўзлаштирмаган талабалар билан ишлаш натижасида билим сифатини ошиши кузатилди.
<b>XIII</b>	Оралиқ назорат №2 Ёзма ишларни баҳолаш. Салбий ва ижобий омилларнинг ўзаро таъсирини аниқлаш.	Microsoft Excel Дисперсион таҳлил	“Ўқитувчи тажрибаси ва маҳорати”, “мотивация”, “интеллектуал қатъийлик”, “ёмон турмуш тарзи” каби омиллар устун келиши аниқланди.
<b>XIV XV</b>	Оғзаки савол-жавоб ўтказиш. Компьютер тест синондан ўтказиш. Реферат тақдимотини баҳолаш. Тўртта назорат турлари орасида ранг корреляциясини аниқлаш. Бешинчи ой учун талабаларнинг квалиметрик баҳосини аниқлаш.	«SPSS Statistics Data Editor»	Барча назорат турлари орасида интеграл баҳоларнинг ўсиши кузатилди. Кучли мотивацияли кичик гуруҳнинг кучайиши аниқланди.
<b>XVI XVII XVIII</b>	Барча назорат турлари орасида интеграл баҳоларини аниқлаш. Олтинчи ой учун талабаларнинг квалиметрик баҳоларини аниқлаш. Иқтидорли ва ўзлаштирмаган талабалар билан ишлаш.	Дельфи усули	Учинчи кичик гуруҳда мотивация кучайиши аниқланди. Учинчи кичик гуруҳнинг фаоллиги кучайиши ҳисобига билим сифатини ошиши аниқланди.
<b>XIX XX</b>	Яқуний назорат ўтказиш. Тўртта назорат турлари ҳамда яқуний назорат орасида ранг корреляциясини аниқлаш.	«SPSS Statistics Data Editor»	Натижаларни умумлаштириш. Хар бир талабанинг ўқув траекторияси таҳлил қилинди. Муайян бир гуруҳда уҳандислик графикаси фанини ўқитишда билим сифатининг индекси аниқланди.

Юқорида келтирилганларни умумийлаштириб айтганда “Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси” фанини ўқитишда ўқув жараёнини бошқариш усули муайян бир академик гуруҳни ҳамда алоҳида олинган бир талабанинг ўқиши натижаларининг миқдорий кўринишини берди. Хар бир талаба ўз квалиметрик баҳосини, академик гуруҳ эса – хар ҳил назорат турлари бўйича ўз интеграл кўрсаткичини олади.

Олинган баҳолар билим сифатини кўрсатувчи миқдорий индекс сифатида кўрилиши мумкин. Талабаларнинг билим ва кўникмаларини белгилайдиган Давлат Таълим Стандартлари максимал сифат индекси (100%) инобатга олинди.

Юқорида келтирилган академик гуруҳнинг интеграл кўрсаткичлари куйидагича: ёзма иш - 60%, оғзаки саво-жавоб - 51%, компьютерда тест синовлари - 70%, реферат тақдимоти - 71%.

